



XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

2021-yil "25" iyun

956/35-VI-son

Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимининг 2021 йил 14 июндаги 120-Қ-сонли қарорини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг VI чақириқ, XXXV сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилояти ҳокимининг 2021 йил 14 июндаги 120-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозими маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимига ўзгартирилсин.

3. Маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси котибияти штати Самарқанд вилояти иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш бош бошқармасининг 2 та штат бирлигини ўтказиш ҳисобига 3 штат бирлигига кенгайтирилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янгиланган ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков) зиммаларига юклансин.


Кенгаш раиси



Э.Турдимов



Самарқанд вилояти ҳоқимлиги бошқарув аппарати тузилмаси



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 60 нафар.

* - ушбу штат бирлиги вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳисобидан сақланади.

** - ушбу штат бирлиги “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси ҳисобидан сақланиб, ойлик маош тўлаб борилиши таъминланади.

*** - ушбу штат бирлиги қўрағон вақоғон вақоғон ҳисобидан сақланади.